Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 56 (7. 145) ◎ 1990 йил 9 март, жума ◎ Баҳоси 3 тийин



⊙ УСТОЗ ВА ШОГИРД. Тошкент алоқа саноати тажриба заводининг ишчиси Усмон Исоқов шогирди Александр Ким билан.

Р. Шарипов суратлари.

Область Советининг сессияси

Янги чақириқ халқ депутатлари Тошкент область Советининг 7 март куни бўлиб ўтган биринчи сессиясида ташкилий масалалар муҳокама қилинди.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов халқ депутатлари Тошкент область Советининг раиси этиб сайланди.

С. Д. Сайдалиев Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси этиб тасдиқланди.

(ЎзТАГ).

Тошкент шаҳар Советининг сессияси

⊙ 7 МАРТ куни йигирма биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг биринчи сессияси ўз ишини якунлади.

Тошкент шаҳар Советининг депутатлари раис ўринбосарларини, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ишлар бошқарувчисини, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Бош бошқармалари ва бошқармаларининг бошлиқларини тасдиқладилар.

Бошқа ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

⊙ Сессия ишидаги батафсил ҳисобот рўзномада эълон қилинади.

⊙ Тошкент биргина ўзининг ажойиб қурилишлари, қадимий обидалари, миллий анъана, расм-русум ва урф-одатлари билангина эмас, боғ-далалари билан ҳам машҳур бўлган. Ўзбекистон диёри пойтахтининг тупроғи олтин, сувлари кавсар, ҳавоси мусаффо, нознеъматлари минг дардга шифо, табиати сўлим эди. Шоирларимиз Тошкент сувини ичган ҳар бир қуш «қайтиб келар ҳатто маккатиллодан» деб бежиз айтмаганлар.

Қадимдан биламизки, Тошкент боғлар шаҳри бўлган. Яқин-яқинларгача, бундан ўттиз-қирқ йил илгари ҳам шаҳримиз бағрида Чўпон ота, Инжиқобод, Дўмбиробод, Бўзсув, Салор, Қорасув деган боғ-роғлар, Наврўз сайлгоҳлари бор эди, лекин ҳозирда булар жуда кам қолди. Тошкент бошига тушган оғир кулфат — зилзила боғларимиз учун ҳам катта офат бўлди. Лекин минг афсуски, яқинлардагина шаҳар атрофидаги узумзорлар пайҳон этилиб, ёппасига йўқотилишига зилзила сабаб бўлгани йўқ.

Боғ меъморчилиги борасида халқимизнинг ажойиб ва тарихга бой анъаналари бор. Шу ўринда боболаримиз Темур ва Улуғбеклар бунёд этган, Алишер Навоий ва унинг замондош шоирлари мадҳисано билан таърифу тавсиф этган Самарқанд боғларини эслайлик. Булар Боғи Шамол, Боғи Чинор, Боғи Майдон, Боғи Дилкушо...

Мана шундай боғ меъморчилиги анъаналаримизни давом эттирадиган, онатабиатимизни янада гўзаллаштирадиган ва халқимиз ризқи-насибасига заминнинг турфа ноз-неъматларини етиштириб берадиган ўктам давр келди. Ошкоралик, демократия, қайта қуриш шарофати туфайли халқимизнинг миллий-маданий қадриятлари ва анъаналарини қайта тиклаш ҳамда кенг ривож топтиришга алоҳида диққат-эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети халқимизнинг асрлар давомида орттирган яхши анъаналари ва тарихий-миллий қадриятларига ҳозирда ҳар қачонгидан ҳам ортиқ эътибор бераётганлиги эл-юртимизни астойдил руҳлантириб юборди. Наврўз байрамининг тикланиши, шу шодиёна кунининг Дам олиш куни сифатида белгиланиши, бу байрамни кўтаринки руҳда ўтказиш учун барча тадбир-чоралар кўрилаётгани беқиёс ғамхўрлик намунаси бўлаяпти.

Тошкентнинг бош режаси муҳокама қилинган йиғилишда жумҳуриятимиз раҳбарлари пойтахтимизнинг тарихий қиёфасини қайта тиклаш масаласига алоҳида эътибор бердилар. Шундай тадбирлардан яна бири — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида ўлкамизда боғ-роғлар, узумзорлар яратиш, манзарали ва бошқа кўчатлар экиш икки ойлигини ўтказишга бағишланган республика кенгаши бўлди. Анжуман қатнашчилари Ўзбекистоннинг барча аҳолисига мурожаат қилиб, уларни шаҳарлар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириш, янги боғлар, узумзорлар ва ўрмонлар яратиш, мавжуд дов-дарахтларни парваришлаш юзасидан ўтказиладиган тадбирларда зўр ғайрат билан фаол иштирок этишга чақирдилар.

Диёримизда фасли баҳор бошланиб, ҳамма жойда Наврўз байрамига, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига, ҳашар йўли билан ариқ-анҳорлар қазиш, уй-жойларни тозалаш, кўкатлар ва гуллар билан безаш, кўчатлар ўтказиш, кафтдек ерга бўлсада ошкўклар, райҳону гуллар экиш каби юмушларни қизғин бошлаб юбордилар. Меҳнат аҳлининг дам олишини, ҳордиқ чиқаришини, табиат гўзаллигидан руҳий мадад олишини боғ-роғларсиз, яшиллик оламисиз тасаввур этиб бўлмайди. Наврўздаги каби ҳамма байрамларда меҳнаткаш халқ учун яшил майдон, сўлим табиат, чиройли хиёбон, мевазор боғлар керак.

«Тошкент оқшоми» рўзномаси айтилган мана шу долзарб муаммо-масалаларни бир қадар мулоҳаза-муҳокама қилиш, шаҳримизни чинакам яшилликка ва боғ-роғларга бурқаш учун ўз улушини қўшиш мақсадида «Шаҳарда мевали боғлар яратайлик» мавзуида давра суҳбати ўтказди. Унда:

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг котиби Карим РАСУЛОВ, Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, академик Маҳмуд МИРЗАЕВ, Ўзбекистон ССР халқ шоири, Ўзбекистон ССР халқ депутати Эркин ВОҲИДОВ, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ободонлаштириш Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳикматулла ОХУНЖОНОВ, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи, жумҳурият соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР халқ депутати Қулаҳмад РИЗАЕВ, ёзувчи Дадахон НУРИЙ, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг раиси Шоира ИБРОҲИМОВА, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети, сув ҳавзаларини назорат қилиш бўлими бошлиғи Ўлжа ОТАҚУЛОВ, Тошкент шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси, профессор Қодир ФОЗИЛХЎЖАЕВ, Тошкент шаҳар А. Икромов районидаги Киров номли маҳалла аҳлининг вакили Абдулла РАҲИМЖОНОВ ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

◆ Газетанинг 2 ва 3-саҳифаларида берилаётган давра суҳбатини диққатингизга ҳавола этамиз.

⊙ «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» рўзномалари давра суҳбатининг қатнашчилари.

⊙ РЎЗНОМА ушбу сонини саҳифалаш ниҳоясига етаётганда редакция муҳим хабар олди: йигирма биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг биринчи сессияси 18 март кунини баҳор ва дўстлик байрами — Наврўзга тайёргарлик ва Ўзбекистон пойтахтини кўкаламзорлаштириш бўйича якшанбалик деб эълон қилиш ҳақидаги Ҳамза райони бир гуруҳ депутатларининг Мурожаатини яқдиллик билан маъқуллади. Ушбу Мурожаат эълон қилинади.

Янгиликлар — Воқеалар — Ҳужжатлар

Навбат— қурилишга

⊙ ҚАТОР завод, фабрика ва мактаблар билан бирга қурилишга ҳам компьютер кириб келди. Тошкент қурилиш Бош бошқармасида ўрнатилган компьютер бинокорлик ишларини назорат қилади. Унинг хизмати мураккаб эмас. Мисол учун турар-жой биноси қурилишини назоратга олса муддатини белгилаб, қайси ташкилот қандай ишлаганини кўрсатиб беради. Бу билан бош ва ёрдамчи пудратчилар ўртасида бўладиган низога барҳам берилади.

Д. ОБЛАЕВ.

Тежалган хом ашёдан

⊙ ТОШКЕНТ қурилиш Бош бошқармасига қарашли 2-уйсозлик комбинати жамоаси шаҳримиз аҳолисини уй-жой билан таъминлаш билан бирга, халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Яқинда тежалган хом ашё ҳисобига камёб ҳисобланган «Жигули» автомашиналарининг ҳамма турлари учун олд ойналарни чиқаришни йўлга қўйди. Шунингдек, бу ерда айвон, дараза тўсиқчлари, дала ҳовли учун эшик ва дарвозалар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

Д. МУРОДОВ.

Буюртма орқали

⊙ ҚУРИЛИҚ-5 даҳасида кейинги йилларда аҳоли учун бир қанча қулайликлар яратилмоқда. Яқинда бу ерда илгари фаолият кўрсатган «Ветеран» магазини ўрнида радиотелеустахона иш бошлади.

Эндиликда даҳа аҳолиси телевизорларини тузаттириш учун уста қидириб юрмайдилар. Бу ерда улар телевизор, радио, магнитофонларини тузаттиришлари ёки уйларига устани чақиришга буюртма беришлари мумкин.

Ҳ. ЮНУСОВ.

Зиёбахш қалб

⊙ ҲАР йили машҳур совет педагоги ва давлат арбоби Н. К. Крупская номидаги мукофот берилиши яхши анъанага айланиб қолди. Бу сафар ҳам ёш авлодга таълим ва тарбия беришда алоҳида ўрнак кўрсатган халқ таълими ходимларидан бир гуруҳи Н. К. Крупская медали билан тақдирланди.

СССР Халқ таълими давлат комитети ҳамда халқ таълими ва фан ходимлари касаба союзи Марказий Комитети Президиуми яқинда қабул қилган қарорига мувофиқ мукофотланганлар орасида ўзбекистонлик тажрибакор ва моҳир ўқитувчилар ҳам бор. Жумладан Тошкент шаҳридаги 15-ҳунар-техника билим юрти директори О. Акбаров ҳам Н. К. Крупская медали нишондори бўлди.

С. ОДИЛОВА.

«Бегона»га Москва мафтун

⊙ ЎЗБЕК киносанъаткорлари томонидан яратилаётган қатор ҳужжатли ва бадиий ленталар Марказий телевидение орқали муваффақиятли намойиш қилинди.

Бундай оммалашган фильмлар орасида «Ўзбектелефильм» студияси маҳсулотлари ҳам бор эди.

Студия суратга олган «Ўзбекистон» телевизион журналининг уч сони ўтган йили Бутуниттифоқ телевидениеси орқали минг-минглаб томошабинларга кўрсатилган эди. Бу йил ҳам мазкур ижодий коллективнинг бир неча постановкасини Москва «Зангори экран»да намойиш этиш кўзда тутилди.

Режиссёр Н. Маҳмудов суратга олган «Бегона» кинолентаси ана шундай ижод намуналаридан биридир. Шунингдек, режиссёр Р. Ўткиров раҳбарлигида янги яратилган «Музаффар» фильми ҳам Марказий телевидение орқали кўрсатиладиган бўлди.

А. АЛИЕВ.

Узоқ Шарқ бўйлаб

⊙ МОСКВАДАГИ Марказий рассомлар уйида халқ амалий санъати усталарининг кўргазмаси очилди. Бу ерда Ўзбекистон усталарининг сопол идишлари кўргазмага қўйилди. Тошкентлик А. Раҳимов, О. Файзуллаев ва Т. Файзуллаевлар томонидан ишланган ва Риштон, Ғиждувон ва Шаҳрисабз усталари томонидан ишланган сопол буюмлар ҳам кўргазмадан ўрин олган. Ўзбекистонлик ўймакорлик усталарининг ишлари Кострома, Чита, Улан-Удэ каби шаҳарларда ҳам намойиш этилади.

О. ЮСУПОВ.

«Чорсу» деб аталди

⊙ ШАҲАР жой номларини белгиловчи комиссия кўча, майдон, бекат, даҳа ва меҳмонхоналар номини белгилашда муҳим аҳамиятга молик ишларни амалга оширмоқда.

— 25 кишидан иборат комиссиямиз аъзолари тарихий номларни тиклаш борасида бир қанча ишларни амалга оширди, — дейди шаҳар атамалар комиссияси раисининг ўринбосари Дилмурод Саидов. — Яқинда жумҳуриятимиз пойтахтидаги «Москва» меҳмонхонаси «Чорсу» номи билан атала бошланди. Шуни айтиш керакки, бундай ишларга анча моддий маблағ сарфланмоқда. Фақат туристик комплекснинг «Чорсу» деб номланган ёзувини ўрнатиш учун 25—30 минг сўм сарфланди. Бундан ташқари меҳмонхонанинг фирмали қоғоз ва бошқа ҳужжатларини ўзгартириш учун ҳам анчагина маблағ сарфланади.

«Чорсу»га марҳамат қилинг, азиз меҳмонлар! Бу ерда намунали хизмат кўрсатиш учун барча қулайликлар муҳайё этилган.

⊙ СУРАТДА: «Чорсу» меҳмонхонаси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

⊙ 1990 йил 22 апрелда В. И. Ленин туғилган кунга 120 йил тўлади. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси КПСС Марказий Комитети Мафкура комиссиясининг шу санага бағишланган таклифларини маъқуллади.

В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллигига бағишланган асосий тадбирлар белгиланди.

ЖАҲОНДА ТЕНГИ ЙЎҚ

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасидагилар Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятига анъанавий совуқ муносабатни ўзгартирдилар. Энди унинг бошланғич ташкилоти банкда ўз ҳисоб счетига эга бўлган юридик мустақиллик ҳуқуқини олди.

Завод рационализаторлари 59 минг сўмлик хўжалик шартномалари тузиб, уларни қисман бажардилар. Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти аъзолари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш юзасидан 4 та ихтиронн жорий этиш мажбуриятини олдилар. Ишлаб топилган маблағнинг бир қисми картошка йиғадиган комбайн учун осма мосламанинг тажрибавий намунасини тайёрлашга сарфланди. Жаҳонда шу комбайнга ўхшаш бошқа бирорта ҳам машина йўқ.

Хўжалик ҳисоби ихтирочилик ва рационализаторликни ривожлантиришда қудратли омилга айланмоқда. Таклифларни жорий этишдан олинган даромаднинг ярми завод ташкилотининг ҳисоб счетига тушади.

(ЎзТАГ).

Халқ таълими: қайта қуриш йўлларида

ХОНАДОНЛАРДА... БОЛАЛАР БОҒЧАСИ

Чилонзор район ижроия комитети оилавий болалар боғчасига 10 та квартира ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди.

— Районимизда икки ярим мингга яқин одам мактабгача болалар муассасаларига навбат кутиб турибди, — дейди ижроия комитет раисининг ўринбосари К. Ксинкин. — Мавжуд болалар боғчалари, айниқса янги даҳалардаги мактабгача болалар муассасалари тарбияланувчилар билан тўлиб-тошган. Оилавий болалар боғчаларининг ташкил этилиши ушбу муаммони бир қадар ҳал қилишга имкон беради, деб ўйлаймиз. Ҳозир ушбу мактабгача болалар муассасаларини ташкил этиш услубларини ишлаб чиқяпмиз.

Оилавий болалар боғча-яслилари ташкил этилганлиги тўғрисида биринчи марта хабар олаётганимиз йўқ. Республикада шу йилнинг ўзидаёқ қарийб 100 минг ўринли шундай мактабгача тарбия болалар муассасаларини тузиш режалаштирилмоқда. Унинг афзаллиги кўриниб турибди — оз капитал маблағ сарфлаб, болалар боғчалари ташкил этилади, улар кичкинтойларни оилавий шароитларда тарбиялашга яқинлаштириш, навбатни камайтириш имконини беради.

Республикада кичкинтойларнинг атиги 35,8 фоизи болалар боғчалари ва яслиларига қатнайди. Мамлакатимизда бу рақам ўрта ҳисобда 58 фоизни ташкил этади.

Ушбу рақамлар навбат кутаётганлар қай даражада кўплигини, шу сабабга кўра ишламаётган қанчадан-қанча оналар борлигини кўрсатади. Кўпинча болалар боғчасига навбат етгунча бола ўсиб-улғайиб мактабга қатнай бошлаганини эшитиб қоламиз. Мавжуд болалар боғчаларида одатдан ташқари кўп кичкинтойлар тарбияланаётганлиги у ерларда жойлар танқислигининг яна бир оқибати ҳисобланади. Ҳар бир группага кўпинча 45 нафар атрофида бола қатнайди. Бунинг оқибатида улар кўп касал бўлишади, оналари эса уларга қараш учун касаллик варақаси олишга мажбур бўлишади. Ва, ниҳоят, бундай группаларда қандайдир тарбиявий ва таълим бериш ишлари ҳақида гапириш мумкинми, ахир?

Республикада мактабгача болалар муассасаларига сарфланаётган капитал маблағлар йил сайин кўпаймоқда. Агар ўн иккинчи беш йилликда 210 мингдан кўпроқ ўринли болалар боғчаларини ишга тушириш мўлжалланаётган бўлса, ўн учинчи беш йилликда бу рақам 600 мингтага етиши назарда тутилмоқда. Бироқ, бу ҳам муаммони бутунлай ҳал этишга ёрдам бермайди. Резервларни қидириб топиш зарур. Улардан бири оилавий болалар боғчаларини ташкил этишдир.

Кама автомобиль заводи коллективи оилавий болалар боғчаларини ташкил этишда тўпланган тажриба яхши синовдан ўтган. Унинг моҳияти шундаки, боғча-яслиларнинг бўлимлари бевосита тарбиячиларнинг уйларида ташкил этилади, тарбиячилар ниҳоятда қунт билан танлаб олинади. Педагогик ва тиббий маълумотга эга бўлган хотин-қизларга афзаллик берилади.

Аттестациядан ўтган даъвогарлар шартнома тузадилар ва улар базавий болалар комбинатлари ҳузурида хонадонларда ташкил этилган ясли-болалар боғчаларининг тарбиячиси лавозимига ишга қабул қилинадилар. Улар барча зарур нарсалар билан, шу жумладан озиқ-овқат билан марказлашган ҳолда таъминланадилар. Одамлар яшайдиган уйларнинг биринчи қаватларида, ижроия комитетлар махсус ажратган квартираларда болалар боғчаларини жойлаштириш ҳам мумкин.

Ҳозир республикада шундай мактабгача болалар муассасаларини ташкил этиш юзасидан иш олиб борилмоқда.

Б. ҲАСАНОВ.
(ЎзТАГ мухбири).

Тўла хўжалик ҳисоби:
муаммо ва ечимлар

Ютуқлар пойдевори нимада?

⊙ Тошкент қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли ғишт заводлари мана бир неча ўн йиллардан буён фаолият кўрсатиб келса-да, аҳоли талабини тўла қондира олмаяпти. Бугунги кунда завод жамоаси олдига ўз ишини қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш вазифасини қўяпти.

Шаҳар Совети ижроия комитети томонидан одамларга уй-жой қуриш учун катта майдонлар ажратиляпти. Бу майдонларда уй қуриш учун эса биринчи навбатда ғишт зарур. Айни пайтда корхонада қанча кўп маҳсулот ишлаб чиқарилса ҳам камлик қиляпти.

Бирлашманинг 3 ва 4-ғишт заводлари 1988 йилгача буюртма шартларини адо этолмай келарди. Сабаби кадрлар қўнимсизлиги ниҳоятда юқори даражада эди. Ўша кезлари заводда ойига тахминан 350—400 минг дона ғишт тайёрланарди, холос. Ишчиларнинг ўртача маоши ҳам шунга яраша — 100—120 сўмни ташкил қиларди.

Ишнинг бундай аҳволда давом этиши энди мумкин эмасди.

1988 йилнинг июнь ойида корхона қошида «Силикат» кооперативи ташкил этилди ва участкалар ижарага олинди. 4-ғишт заводининг бош инженери Оқил Аъзамов корхонадаги ўзгаришлар ҳақида шундай деди:

Кооператив ташкил қилиб, корхона цехларини ижарага олганимиздан кейин ишда жиддий силжишлар рўй берди. Зиммамизга юкланганига кўра йилига 12 миллион донадан ғишт топширишимиз лозим. Унга ишлатиладиган тупроқни эса Оржоникидзе районининг «Яланғоч» қишлоғидан оляпмиз. Кунига 200—220 тоннадан тупроқ ташиб келтирамиз. Айни пайтда иккала заводда 125 ишчи меҳнат қиляпти. Улар юқоридаги кўрсаткичларни таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилишяпти. Лекин тан олишимиз керакки, бу топшириқларни бекаму-кўст бажариш уларга осон бўлмаяпти: ишчи кучи етишмаяпти.

Бунинг устига заводдаги ускуналар эски, кўп меҳнат талаб қилади. Шунга қарамай, ҳар бир ишчи ойига 700—800 минг дона ғишт топширяпти. Меҳнатларига яраша уларнинг ўртача маоши 380 — 400 сўмгача ошди. Баъзи илғорларимиз эса 600 сўм атрофида маош олишяпти.

Завод бўйича ойига 1 миллион 400 донагача қурилиш маҳсулоти ишлаб чиқариляпти. Баъзи бир корхоналар сингари биз буюртмачиларни ахтариб юрмаймиз, маҳсулотимизнинг талабгорлари кўп. Бизнинг асосий вазифамиз эса шартнома мажбуриятларини тўла адо этиш. Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли 4-трест, қурилиш маҳсулотлари билан савдо қилувчи ташкилотлар, шунингдек «Комфорт» магазини бизнинг асосий буюртмачиларимиздир. Завод аҳли мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланишга интиляпти.

Бироқ корхонада ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг ҳаммаси бартараф этилган деб айтолмаймиз. Завод ҳалигача ўз ётоқхонасига эга эмас. Тупроқ оладиган тайинли жойимиз ва уни ташийдиган машиналар ҳам йўқ. Хом ашёга сарфланаётган харажатлар ҳам юқори. Лекин ғиштнинг нархи эса ўша-ўша. Хуллас, корхонадаги муаммоларимизни ҳал қилишга мутасадди ташкилотлар ёрдам беришса, эртага бугунгидан ҳам унумлироқ ишлашимиз мумкин эди. Ишлаб чиқаришда кооперация ва ижара пудратининг жорий қилиниши бугунги кун талаби эканини ва ютуқларнинг пойдевори бўлаётгани сир эмас. Аммо уларнинг фаол ишлаши учун етарли шарт-шароит ҳам яратилиши керак-да...

О. МАХМАЮСУПОВ.

⊙ ЯНГИЛИК САМАРАСИ. Тошкент юк станциясн вагон депосининг жамоаси ўтган йили режалаштирилганидан 380 минг сўм кўп — 1 миллион 12 минг сўм даромад олди. Бунга ишлаб чиқаришга янгиликларни жорий этиш ҳисобига эришилди.

СУРАТЛАРДА: бригада бошлиғи Светлана Гордеева ғилдираклар учун қисмларни жамламоқда; монтажчи Искандар Абдуқодиров таъмирланган участкада муваффақиятли меҳнат қилаяпти.

Г. Игнатьев ва Р. Шамсутдинов (ЎзТАГ) суратлари.



⊙ Болаларингиз ухлаётган хона дераза-ларн тагига бир-иккитадан ёнғоқ дарахтн ўтказиб қўйинг, деб маслаҳат берардим ота-оналарга... Бу дарахт ҳавони касаллик тарқатувчи микробларнн ўлдирадиган фитонцидларга тўйинтиради.

В. СУХОМЛИНСКИЙ.

⊙ Узбек ерн шундай саҳнй, шундай саховатликн, бу йил ўтқазган ниҳолингиз янаги йили ҳосилга кирнб ширин-шарбат мева ҳадя этади. Шу заминда яшаб турнб унинг қадрига етмаётганлар, билмадим, қандоқ одамлар экан.

ТАМАРАХОНИМ,
СССР халқ артистн.

⊙ Бизнинг Чилонзордаги 24-квартал ўрни бир пайтлар серҳосил боғлар ўрни бўлган. Кўп қаватли уйлар қурилгач, барча кўкалам майдонларн мннг-минглаб қарағай, бақатерак каби манзарали дарахтлар билан тўлдириб юборилди... Улар ичида «тасодифан» ўсиб қолган икки туп ёнғоқ ҳам бор, унинг мевасига кўпчиликнинг оғзи тегади. Уйланиб қоламан, агар қарағайзор ўрнида ёнғоқзорлар бўлганида Фарҳод бозорида унинг нархи 7—8 сўмга кўтарилиб кетмаган бўлармнди!

З. УСТИНОВА.



«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» рўзномалари давра суҳбати

ЧАПДАР УРИБ

М. МИРЗАЕВ Э. ВОҲИДОВ Ҳ. ОХУНЖОНОВ Қ. РИЗАЕВ

Ҳикматулла ОХУНЖОНОВ: Яшиллик — шаҳарга либос, деган ибора бор. Тошкентимиз бағрида дов-дарахтлар, ўт-гиёҳлар, гул-буталар, мевали боғлар қанча кўп бўлса, шаҳар жамоли шунчалар гўзал ва чиройли чеҳра очади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг диёримизда боғ-роғлар, узумзорлар, манзарали ва бошқа кўчатлар экиш икки ойлигини ўтказишга бағишланган жумҳурият кенгаши бошқармамиз фаолларини қизғин ишлашга чорлади. Баҳорнинг дастлабки кунларидан шаҳримиз бағридаги хиёбон-гулзорларда, истироҳат ва маданият масканларида, маҳалла ва турар жойлардаги кўча ва майдонларда кўчат ўтқазиш, қўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш тадбирлари бошлаб юборилди. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» рўзномалари ўюштирган «Шаҳарда мевали боғлар яратайлик» давра суҳбати ана шу ишларимизга аниқ йўлланма, яхши маслаҳат ва ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, деган умиддамиз.

Даврамиз суҳбатдошларига маълум қиламанки, бу йил шаҳримиз бағрига 374,5 минг туп турли дарахт кўчатлари ўтқазилади. Қувончлиси шуки, шаҳар районларининг 11 жойида мевали боғ яратилади.

Мен Сергелида ишлаган пайтимда болалар боғчалари, мактаб ва касалхоналарнинг ҳовлисига кўплаб олма дарахтлари ўтқазган эдик. Ҳозирда мана шу олма дарахтлари шиғил ҳосил бериб ётибди. Бу мисолни шунинг учун айтаяпманки, мевали дарахт ўтқазиладими, унинг эгаси бўлиши керак. Илгарилари дарахт кўчати ўтқазиларди-ю, парвариши билан ҳеч ким қизиқмасди. Энди ҳар бир ниҳолнинг бўй чўзиши учун зарур чораларни кўрамиз. Кўчатлар, биринчи навбатда, суғориш мумкин бўлган жойларга ёки ариқ-анҳорлар соҳилига экилади. Буларнинг парваришига район ташкилотларининг ходимлари жавоб беришади, шунинг учун ходимларимизнинг масъулиятини ошириб, яхши ишлаганларни рағбатлантириш чораларини кўряпмиз. Мевали ва манзарали дарахтларни кўпайтирсак шаҳар табиатини муҳофаза қилган, одамлар ҳордиқ чиқарадиган масканлар яратган, шу билан бирга ҳўл мевани сал бўлсада кўпайтиришга ҳисса қўшган бўламиз.

Ҳаммага маълумки, дарахт ўз-ўзидан кўкариб кетавермайди. У қаровга, сувга, қолаверса инсон меҳрига боғлиқ. Шаҳарга экилган ҳар бир ниҳолга эътибор бўлмаса, у қуриб чўпга айланади. Қўкаламзорлаштириш ва боғ-роғлар барпо этишда мутасадди ташкилот ходимларимиздан ташқари олий ўқув юртларининг талабалари ва мактаб ўқувчилари энг яқин кўмакдошларимиз бўлишлари керак. Сарҳисоб қилиб кўрайлик, агар ҳар бир талаба ўзи ўқиётган илм масканн атрофига бир тупдан мевали ниҳол экса, у маскан чинакам боғ-роғга айланарди! Яна унинг парваришига ўзлари қараб туришса нур устига нур бўларди.

Дадахон НУРИЙ: Бу гаплар жуда яхши, Ҳикматулла ака, лекин амалий ишдан дарак йўқ-ку! Масалан, Сизнинг «кўкаламчи» хизматчиларингиз нуқул манзарали дарахтлар экиш билан овора. Эккандa ҳам денг, атайин қилгандайми, мевали дарахтларнинг шундоқ ёнига ёки атрофига «ўраб» экишади.

Ҳикматулла ОХУНЖОНОВ: Мевали дарахтлар экканмиз! Ана, Космонавтлар шоҳ кўчаси бўйларидаги ўрикларни кўрсатишимиз мумкин. Улар анча кўзга ташланадиган бўлиб қолди.

Дадахон НУРИЙ: Бу тўғри! Лекин ҳозир худди ўша ўриклар ёнига эртаиндин ғовлаб кетадиган қарағай, акацияларни ўтқазиб қўйишибди. Бу, бир-икки йил ўтгач ўша ўриклар қуриб битади, дегани эмасми!

Ҳикматулла ОХУНЖОНОВ: Ундай бўлмаса керак!

Дадахон НУРИЙ: Афсус, худди шундай! Ўша мен айтган дарахтларни яқинда ўтқазиб кетишди. Ўйлаб кўринг, мевали дарахт жуда нозик бўлади! Унинг ёнгинасига акацияни ўтқазиб қўйиш бўри билан қўзичоқни бир қўрада парваришлаш билан баробар.

Ҳикматулла ОХУНЖОНОВ: Сиз бизни нуқул танқид қиласиз. Қилаётган ишларимиз ҳам кўп-ку, ахир. Масалан, ҳар баҳор «Тошкент гуллари» фирмасига қарашли дўконлар орқали нақд пулга кўчатлар сотишни уюштиряпмиз. Арзон, ҳамма оляпти.

Дадахон НУРИЙ: Оляпти. Ўз пулига оляпти-ю, кўчатлар қаёққа кетаётгани ҳеч кимга маълум эмас! Балки бошқа вилоятларга, шаҳардан четдаги районларга чиқиб кетаётгандир. Бу Тошкентга мевали дарахт ўтқазиляпти, деган гап эмас. Очиғини айтсам, худди сиз айтгандек, гапни бундан бир неча йил муқаддам собиқ ҳамкасбларингиз Марат ака Ниёзовдан ҳам эшитгандим ва у кишини қаттиқ танқид қилиб, газетада яна бир бор чиқиш қилганман. Ҳатто ўша мақолада «Шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг ходимлари ходанинг икки учини бошқалар елкасига ўнгариб қўйиб, ўзлари ўртада осилиб кетаётганга ўхшайдилар», деган жумлалар бор эди. Ростини айтсам жуда қўрққандим: ўша пайтлар матбуот орқали бундай иборалари раҳбарларга қарата «айтиш» — «арбоб билан ўйнашиш» дегани эди. Лекин Марат ака мардлик қилди. Газеталар биноси олдига бир машина ўрик кўчати олдириб келди, ўзи устида туриб ниҳолларни ўтқаздирди. Сўнг «Тошкент оқшоми»нинг ўша пайтдаги муҳарририга: «чақиринг ёзувчингизни, кўрсатинг, бизда ҳам мевали дарахт экишга истак бор», дебди... Ана, кўриб турибсиз. Марат аканинг ўриклари гуллай деб турибди. «Яхшидан боғ қолади» деганлари шу бўлса керак!... Энди «бизни нуқул танқид қиласиз!» деганингизга келсак, ўзингиз ҳам, бошқармангиздаги катта-ю кичик ҳар бир ходим ҳам, қўйингчи шаҳар ижроия комитетидаги раҳбарлар ҳам мана шундай «ўз боғи»ни яратиб, бошқаларга ўрнак бўлмагунча танқид қилаверамиз! Ошкоралик даврида шаҳар газетаси ижроқўм раҳбарларини танқид қилишдан чўчимаса керак!... Яна бир гап. Негадир Сизнинг бошқармангиз ходимлари фақат кварталларга бепул кўчат ўтқазиб, бепул хизмат кўрсатишади-ю, маҳаллаларга эса қиё боқишмайди. Кўчатни эса, керак бўлса ўзларинг ўтқазиб олинглар, деб пулга сотасизлар! Ёки маҳаллада яшовчилар тошкентлик эмасми? Эркин ака Воҳидов яқиндагина айтганларидек «Ўрдадаги Анҳорнинг кунчиқар томонида яшовчилар учун сув текин-у, кунботар қирғоғидагиларга пулликми?!».

Ана, Ўлжавой ака айтсинлар. Тошкент қадимдан энг сersув шаҳар бўлган. Унинг ҳар бир даҳаси, ҳар бир мавзеида шарқираб ариқ, анҳорларда сув тўлиб оққан — суғориш ишларини амалга оширишда бизнинг халқимиз олдига тушадигани бўлмаган. Бундан қарийб 125 йил муқаддам Россияда босилган «Глобус» журналида «Суғоришни биз Ўрта осиёликлардан ўрганишимиз керак. Бу борада уларга ҳеч қандай ақл ўргатишнинг ҳожати йўқ», деб ёзилган. Шундай бўлгач, шаҳарни сув билан таъминлашда қадимий анъаналардан фойдаланиш ўрнига, нуқул миллионлаб пул сарфлаб, сув оқмас бетон ариқ қураётган ўртоқлар фаолиятига қандай баҳо бериш мумкин? Шаҳарнинг кўпгина ариқлари қақраб ётибди-ку! Бу ҳўжасизликка жавобгар шаҳар бош «мироби» ўртоқ Арамян қачонгача ўз «фаолияти»ни давом эттиради?

Ҳикматулла ОХУНЖОНОВ: Бунга ўртоқ Арамян жавобгар эмас. У районлардан тушган буюртмаларни бажариб боради, холос.

Дадахон НУРИЙ: Бу сўзингиздан шуни пайқаш мумкинки, шаҳарни суғориш системасидаги камчиликлар айбдорлари номаълум. Излаб топишнинг ҳожати йўқ экан-да!

Менимча, узоқ йиллардан бери ҳукм суриб келган бундай иш «услуби»га чек қўйиб, масъулиятни бир-бирига ағдарадиган, охир-оқибатда сувдан қуруқ чиқадиганлар даври ўтди. Энди шаҳарнинг ягона Бош боғбони-ю, шў юртнинг шарт-шароити ҳамда суғориш тармоқларини яхши биладиган Бош мироби бўлгани яхши! Умрида қўлига кетмон ушламаган мутахассис — «ирригатор»лардан куйдик!

Қулаҳмад РИЗАЕВ: Қадимда шифохоналар ҳавоси энг тоза жойларга қурилгани сир эмас. Бизнинг шаҳримизда юзлаб шифо масканлари бор, лекин уларнинг баъзилари ҳозирги кун талабига жавоб бермайди. Касалхона-ю шифохоналар, поликлиника, амбулатория, диспансер ва санаторийлар энг хушманзара, хушҳаво, хуштабиат, баҳаво жойларда бўлиши керак.

Шаҳарни боғ-роғларга буркаш ва кўкаламзорлаштириш ҳақида гап борар экан, биринчи навбатда шифо масканларининг мевазор ва гўзал табиатли бўлишига эътибор қилишимиз керак. Шаҳардаги кўплаб шифохона ҳовли-майдонларида фақат манзарали, ҳатто беморларнинг нафас олиш аъзоларига аллергик таъсир этадиган дарахтлар ўсиб ётибди.

Ҳозирда шаҳардаги барча шифохоналарга диққат-эътибор қаратилди, беморларга дори-дармон қилиш, парваришлаш, меҳнаткаш халқимизнинг сиҳат-саломатлигини сақлаш учун қатор чора-тадбирларни кўраяпмиз. Барча шифохоналарнинг ҳовли-майдонларига, бино атрофларига ва кўчаларнинг қулай жойларига мевали дов-дарахтлар ўтқазишни режалаштиряпмиз. Ахир ҳавоси тоза жойда ўсган мевали дарахтларда етилган ноз-неъматларни беморлар истеъмол қилса дардларига шифо, дармонларига ғизо бўлади-ку.

Биз яқин вақт ичида мутахассислар билан маслаҳатлашиб, қайси касалхоналарга қандай мевали дарахтлар ва қандай гул-буталар ўтқазиш кераклигини аниқлаб, шунга яраша боғ-рог меъморчилигини амалга оширамиз. Бу борада бизга Р. Р. Шредер номли богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари ва «Тошкент гуллари» фирмаси яқиндан ёрдам беради.

Очиқ гап, шаҳримиз аҳолисининг сиҳат-саломатлиги кўп жиҳатдан ҳаво, айниқса оқар сувлар тозалиги билан боғлиқ.

Сув масаласи — тиббиётда жуда муҳимлиги ҳаммамизга аён. Шифохоналарнинг ариқларидан қўнғироқ чалгандек шилдираб зилол сувлар оқса, гул-гулзорлар яшнаб турса, мевали дарахтлар ранго-ранг меваларни кўз-кўз қилса беморларга қанчалар яхши!

Шаҳримиздаги барча шифохоналарнинг мутасадди раҳбарлари билан шифохоналарда алоҳида боғлар яратиш масаласини кўриб чиқмоқдамиз.

Афсуски, турли баҳоналар билан бу масалага тўсқинчилик қиладиган кимсалар топилиб қолди. Улар бўлмагур баҳоналар қилиб шаҳарда боғ-рог яратиш мумкин эмас, деган гапларни тарқатиб, баъзан расман эълон қилиб келдилар. Гўё мевалар заҳарли бўлармиш. Мен ўттиз йилдан бери шифокорлик қилиб биронта киши мева еб заҳарланганини билмайман. Вой тавба, одамлар орасига яхшилик уруғини сочишга ҳалақит берадиганлар ҳам бор-а!

Дадахон НУРИЙ: Қулаҳмад ака, шу ўринда тошкентлик Ватан уруши ва меҳнат ветерани Ф. Ф. Почаниндан келган хатни мисол келтириб ўтмоқчиман. У шундай деб ёзади: «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» газеталари саҳифаларида шаҳар ижроқўмининг Тошкентда боғ-роғлар ва боғ кўчалар барпо этиш ҳақидаги қарори, Фрунзе район меҳнаткашларининг «Шаҳарда боғ-роғи бўлмаган биронта маҳалла, квартал қолмасин» деган мурожаатномаси эълон қилиниб шов-шув бўлди-ю, унутилди. Бу ишга тўсқинлик қилганлар ким? Жавоб беришларингизни сўрайман».

Яна бир нарсага тушунмайман: нима учун шаҳримиздаги инсон соғлиғининг баъзи «жонкуярлари» иттифоқ министрликларига қарашли ўнлаб корхоналардан осмону фалакка чиқарилаётган юзлаб тонна заҳарли «кукунлар»га, ариқ-анҳорларга ташланаётган оғу-оқаваларга қарши кураш ўрнига, мевали дарахтларга қарши кураш бошлаб юбордилар. Бир академик катта йиғилишда «шаҳардаги ҳамма ёнғоқларни кесиб ташлаш керак», деб эълон қилди. Республика газетаси қайсидир биолог олимнинг маҳаллаларнинг кўча бўйларидаги токларни йўқотиб, ўрнига мевасиз «декоратив» ток яратилган, ўшандан ўтқазиш керак» деган маслаҳатини босиб чиқарди. Тўғри, айтасиз, Қулаҳмад ака, мева еб ҳеч ким заҳарланмаган. Агар шундай хаваф бўлганда Украина, Болтиқбўйи республикаларида, қатор социалистик мамлакатларда шаҳар богдорчилиги ҳақида бош қотириб ўтиришмас эди. Биздагидай, «осонгина» кўча бўйларидан тортиб, майдону ҳиёбонларгача манзарали дарахтлар билан тўлдириб қўя қолишган бўларди.

Бунга шундай жавоб бериш мумкинки, тўрт йилча муқаддам «Тошкент ҳақиқати» вилоят газетасида бир гуруҳ таниқли ўзбек адибларининг шаҳар богдорчилиги муаммоларига бағишланган публицистик мақоласи босилиб чиққан эди. У вилоят фирқа қўмитаси раҳбарияти томонидан маъқулланиб, бюрода қарор қабул қилинди.

«Тошкентни боғ-роғларга айлантирамиз» деган хайрли шиор, Фрунзе район меҳнаткашларининг мурожаатномалари бир йил ўтмаёқ «унутилиб» кетишига лоқайдлик сабаб бўлди, албатта! Эндигина ҳимоя остига олиниб, қадрини тиклай бошлаган, шаҳардаги қолган-қутган боғларга яна «ўт кетди». Афсус, бундай бедодлик ҳамон давом этмоқда... Ҳануз шаҳарда юз дона акация ёки ҳорижий «сафора» ўрнига юз дона ўрик, олма ёки ёнғоқ дарахти ўсиб кўкаришига қаршилар бор. Наҳотки уларга ҳамманинг ризқи, шу мевалардан ўзингиз, болаларингиз, набираларингиз, қўйингчи бутун шаҳар аҳли баҳраманд бўлади, сал бўлса-да бозордаги мевалар нархи пасаяди, одамларнинг, болаларнинг «кўзи тўқ» бўлади, деган оддийгина, ҳеч қандай ақл-заковат талаб қилмайдиган тушунчани сингдириш қийин бўлса!...

⊙ ...Энг аввало мактаблардан, ҳатто боғчалардан бошлаб болаларни яшиллик оламига меҳр руҳида тарбиялай бошлашимиз керак. Ҳар бир тарбиячи, ўқитувчи мана шу хислатни болалар тушунчасига сингдириб боришн лозим.

Экология мана шундан бошланса керак.

Г. ҚОСИМОВА, ҳамшира.

⊙ Ҳозир бизлар яшаб турган Пушкин — Пишпек мавзеи бундан ўн йилча аввал боғлн ҳовлилар ўрнн бўлган. Янги замонавий бинолар қурилдию, уларнинг атрофига сон-саноқсиз акацнялар ўтқазиб юборилди... Мен ўша «манзарали» дарахтлардан воз кечиб, подъездимиз олдига иккита гилос ўтқаздим. Мана бир неча йилки, бозордан гилос сотиб олмайман.

В. КОРОБКО, Улуғ Ватан урушн ва меҳнат ветерани.

⊙ «Ўзбекистон» меҳмонхонаси рўпсидаги катта кўкатзор ялангликнинг энг юқорисига бир нечта майда сийрак барглн «сафора» деган манзарали дарахт ўтқазилган. Шулар нчида «адашиб» мана бир неча йилки, бир ёнғоқ дарахтн ҳам ўсиб турибдн. Шаҳар «манзарачиларн» бу дарахтга қарашмайдн. Айтишларнча бир туп «сафора»нинг пулига 20 донадан эиёд ёнғоқ кўчатн сотиб олса бўларкан. Тушунмайман, шаҳар «манзарачиларн» нега қишин-ёзин мевасиз дарахтлар атрофида парвона. Ёки бозорларда ёнғоқ, мевалар тўлиб-тошиб ётибдимн!

Т. МАЖИДОВ, меҳнат ветерани.

⊙ Шаҳарда манзарали дарахтлар ўрнига мевали дарахтлар ўтқазиш ҳақидаги таклиф жуда ўринли. Аммо негадир бу бизда одат тусига кираётганн йўқ. Едимда, шанбаликлардан бирида кимдир олча кўчатнни олиб келиб, «Баҳор» концерт залн олдига ўтқазган эди. У икки йил арчалар ўртасида савлат тўкиб турди, кейин кимнингдир буйруғи билан кесиб ташланди.

Шаҳарда, албатта, мевали дарахтларни ўтқазиш керак. Айни вақтда аҳолинн кўчатлар билан таъминлаш, уларни билиб ўтқазиш, парваришлаш ҳам зарур.

Е. ПЕРЕВЁРТАЙЛО, меҳнат ветерани.

⊙ Йўқ бўлиб кетган шаҳар боғларнни қайта тиклаш борасида ҳаракат бошланганига бир неча йил бўлиб қолди. Анча-мунча мевали дарахтлар сақлаб қолинди, янгиларн ўтқазилмоқда. Эндн ана шуларнн қонун йўли билан ҳимоя қилнмас экан, бирон муваффақиятга эришиб бўлмайдн.

Қ. ДУСТМУҲАМЕДОВА, Ўзбекистон ССР халқ артисти.

ГУЛЛАСИН БОҒЛАР...

Д. НУРИЙ Ш. ИБРОҲИМОВА У. ОТАҚУЛОВ Қ. ФОЗИЛХЎЖАЕВ А. РАҲИМЖОНОВ

Эркин ВОҲИДОВ: — Ҳаётда ҳар бир нарсанинг ўз эгаси бор. Шаҳарда боғ-роғ бунёд этиш, кўкаламзорлаштириш ва она табиатимизни кўз қорачиғидек асрашга пойтахтнинг мутасадди раҳбарияти қатъий эгалик ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Дарахт ўтқазишу парваришлаш ҳам ўйлаб қаралса, сиёсий масала. Ҳар қандай сиёсат заминида халқ орзу-умиди, ниятн, истак-талаби, дарди-армони ётади. Нав-ниҳоллар экиб, боғ-роғ яратиб дунёрни яшнатиш, табиатни гўзаллик билан безаш, олам тузилишига сайқал бериш, эл-юртга дори-дармон бўладиган турфа хил ноз-неъматлар етказиб, дастурхонимизни мўл-кўл ва файзли қилиш мана шу сиёсатга киради.

Ҳар инсоннинг таъби ҳар хил. Мен олма ёки ўрик дарахтининг чаппар уриб гуллаган шохлари остида ўтириб олиб хаёл суришни севаман, кимдир акация тагида дам олиб ҳидидан нафас олишни яхши кўради. Шу боис, шаҳарга манзарали дарахтлар ўтқазиш ҳам керакдир.

Тошкент ўзбеклар юртининг пойтахти. Унга қадам қўйган ҳар бир меҳмон Ўзбекистон тароватини ҳис қилмоғи лозим. Шаҳарнинг шилдираб оқиб турган ариқларию, мажнунтоллари, олмазор, олучазорлари ҳам ўзбекнинг таъби ва табиатини намоён қилиб туриши керак. Биз яна шунга эришмоғимиз лозимки, барча юртдошларимиз, қардошларимиз шу тароватдан баҳраманд бўлсинлар ва уни қадрласинлар.

Ўзбек халқи елкасида кетмон, қўлида сув кўтариб боғ яратиши қадим-қадимлардан анъана-одат бўлиб келган. Ўзбек кафтдеккина ҳовлисида ҳам бир туп тутми, нокми, токми, олма ё олучами экиб ўстирган, мевасидан баҳра олган, қўшнисига ҳам бир қисм бўлса ҳам илиниб олиб чиққан. Бу удум, ҳозирда ҳам кўп ўзбек маҳаллаларида сақланиб қолгани қувонтиради.

Бундан бир неча йил илгари «Ёшлик» журналида муҳаррирлик пайтимда ёзувчи Дадахон Нурийнинг «Шаҳар ўртасида бир туп оқ ўрик» мақоласини чоп этиб, кўп таъна-дашномларга қолган эдик. Баъзи саёз фикрли мутасаддилар ўшанда «шаҳарда мевали дарахт ўстириб бўлмайди, ёмон газларни ютган мевалар одамларни заҳарлайди» деган баҳона-ю карсон билан дағдага қилишган эди. Бахтимизга Маҳмуд ака Мирзаев сингари одил, куюнчак одамлар бор эдилар, бизни ҳимоя қилдилар, оқибат «шаҳарда ҳам оқ ўрик ўстириш» имкони туғилди, мақола ва унда кўтарилган масала ҳам машҳур бўлиб кетди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси бу мақола хусусида махсус қарор чиқарди.

Мен Америка Қўшма Штатларига борганимда, у ердаги мутахассислар: «Ўзбекистон биргина қантак ўриги билан косасини олтин қилиб юбориши мумкин», дейишди. Бу гапда ҳикмат бор... Мана, суҳбатимизда Маҳмуд ака: «Ҳиндистон, Япония дорихоналарида ўрик дори сифатида сотилади», дедилар. Ўзбек диёримизнинг ҳар бир мевасида мана шундай хосият, ҳикмат ва шифобахшлик бор.

Тошкентимиз тоғлар этагида жойлашгани учун сувга жуда сероб. Лекин уни булғатаётган завод, фабрика ва бошқа турли корхоналар тозалагич асбоб-анжомлар билан тўлиқ таъмин этилмаган. Хўш, уларга маблағ йўқми? Ўзбек пахтаси, пилласи ва тилласидан келаётган даромаддан чиқинди сувларни тозалайдиган, ҳавога заҳарли газларни чиқармайдиган кўплаб асбоб-ускуналарни харид қилиш мумкин. Шунда ҳавомиз тоза, сувларимиз мусаффо, мева-чеваларимиз зарарсиз бўлади.

Дов-дарахт, ниҳол-кўчат экиш — одамни тарбиялайди, завқ беради, яхши ишларга илҳомлантиради. Шундай экан, халқимизга боғ-роғлар яратиш ҳақида мурожаат қилайлик. Лекин пешона тери билан яратган боғ-роғларимизни парваришлашни, ниҳол-кўчатлар у ёқда турсин маҳкамлаб қўйилган телефон сим-трубкаларини суғуриб кетаётган безорилардан асраб-авайлашни ҳам доим диққат-эътиборда тутишимиз керак.

Маҳмуд МИРЗАЕВ: Диёримизнинг мўътадил ҳавоси-ю, сахий қуёшидан нур эмган она-Еримиз саховати беқиёслиги рўйи жаҳонга маълум. Таъбир жоиз бўлса, бу она Еримиз тупроғига таёқ қадасангиз ҳам яшнаб кетади. Мана шунинг учун азал-азалдан халқимизнинг ўзи яшаган жойини яшнатиш, боғу-бўстонга айлантириб эл-юртга ризқи-рўз улашишдек эзгу удумлари бор. Шу дамда, шу даврада машҳур боғбон, марҳум устозим Ризамат ота Мусамуҳамедовнинг «Боғ яратган яшаради» деган ҳикматона гапларини эсладим.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» рўзномалари шаҳарда мевали боғлар яратиш масаласида давра суҳбати ўтказаётганини ҳам жуда ҳайрли иш деб биламиз. Зеро, ҳозирда жумҳуриятимизда аҳоли 20 миллионга етган бўлса, яқин келгусида 30 миллионга етади, деган тахминлар бор. 2 миллиондан зиёд шаҳар аҳолиси ҳам кўпайиб боради. Шундай экан, ҳозирдан бошлаб жумҳуриятимиз ва Тошкент шаҳримиз аҳолисини мева-чева билан таъминлаш муаммосини ўйлаш керак.

Одамлар илгаридан боғ-роғлар яратишни ўзлари учун фахрли ва шарафли иш деб билганлар. Оилада туғилган фарзандлар, халқ қаҳрамонлари, меҳнати билан элда обрў-эътибор топганлар шарафига ниҳол экиш энг яхши анъана ҳисобланган. Боғларни парваришлаш ва қўриқлаш ҳам ҳалол, ҳам меҳнаткаш кишиларга топширилган. Улар мевали ниҳолларни элга етказиб беришни савоб деб билганлар. Афсус, кейинги пайтларда мана шу яхши урф-одатлар унутилиб бораётгани ачинарли бўлаяпти.

Мен давра суҳбатимизда бир қатор мулоҳаза ва таклифларимни айтиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, шаҳардаги керак-керакмас бўлган баъзи дарахтларни ислоҳ қилиш, ўрнига қанақа ва қанча мевали кўчатлар ўтқазишни аниқ режалаштириш керак.

Иккинчидан, унутмайликки, агар қаерда қуруқ шох бўлса, у ерда қут-барака бўлмайди. Шаҳарнинг исталган тўрт томонидан юрсангиз, қуриган ва мевали дарахтларга зиён етказиб турган дарахтларни кўрасиз. Мана булар ўрнига ёш мевали ниҳол-кўчатлар ўтқазиш айни муддао бўлади.

Учинчидан, шаҳарнинг қайси жойига қандай дарахт кўчати ўтқазилишидан қатъий назар, биринчи галда сув масаласини ҳал қилиш керак. Сув — обиҳаёт, у нафақат инсонларга, бутун жонли оламга, она-табиатга жон бағишлайди. Шунинг учун дов-дарахтлар ўсмайдиган жойларда ҳам ариқлардан сув шарқираб оқиб турсин.

Тўртинчидан, шаҳарда боғ-роғлар ва кўкаламзорлар барпо этар эканмиз, ҳар бир дарахтнинг эгаси бўлсин. Яшнатишга ва мева олишга ўтқазилган ниҳоллар қаровсиз ва одам меҳрисиз қолар экан, у қуруқ чўпга айланиши ва ахлатга ташланиши аниқ. Ҳар бир шаҳарлик бир тупдан ниҳол ўтқазиб, уни меҳр билан кўкартиб олса: «Бу — мен ўтқазган дарахт!» деб фахрланса, нақадар инсонийлик бурчи бўлади. Мевали боғларни яратишда инсон қўли, меҳри, парвариши, эътиқоди ва иродаси керак. Кекса боғбонлар «Боғни боқсанг — боғ, боқмасанг юракка доғ бўлади», дейишади. Боғ барпо қилмоқчимизми, уни афсонавий эрам боғларидек яшнатишни фарзу-қарз деб дилга тугайлик.

Бешинчидан, шаҳарда 11 та боғ бунёд этилмоқчи. Бу ҳақда Ҳикматулла Охунжонов айтиб ўтдилар. Агар шу 11 та боғ инсон қўли билан парваришланиб, гуллаб-яшнаса шаҳар аҳли-ю, ташриф буюрган меҳмонларимиз қанчалар илҳом ва завқ оладилар! Мана шу боғларга ва дала-ҳовлиларга халқимизнинг севимли мева дарахтларини ўтқазишни ҳозиридан аниқ режалаштириш керак. Ҳозирда 500 хил ўрик, 400 хил шафтоли ва 1000 хил узум навлари бор. Шаҳримиз боғ-роғларига олма, ўрик, олча, анор, нок, шафтоли, узум, ёнғоқ, беҳи, тут, шотут каби мевали дарахт кўчатларини ўтқазиш айни муддао бўлади.

Олтинчидан, кўчат ўтқазиш ва боғ-роғ бунёд этишнинг ахлоқий тарбияга катта таъсири бор. Ёшларимиз мана шундай завқли ва таъсирли ишларга жалб этилса, улардаги табиатга бўлган меҳр, меҳнатга бўлган рағбатлари жўш уради. Файзли ва завқли меҳнат тагида лаззат бор, ким бунга эргашса иззат-ҳурматга эришиб, бахт-саодат калитини топади.

Еттинчидан, шаҳар бағрида боғ-роғлар ташкил этишда ва турли жойларга мевали ёки манзарали кўчатлар ўтқазишга алоҳида диққат қилишимиз керак, қаерга, қандай кўчат ўтқазишни олдиндан аниқ билиб олишимиз керак.

Бизнинг илмий ишлаб чиқариш бирлашмамиз шаҳар аҳолисига, маҳаллаларга, турар жойларга, дала ҳовлиларга, томорқаларга турфа мевалар турли навларидан кўчат-ниҳоллар етказиб беришга доим ҳозиру-нозир бўлиб турибди. Ҳаваскор боғбонларга маслаҳат тарзида қўлланмалар чиқараяпти.

Яхши ният — ярим , давлат, дейди халқимиз. Жумҳуриятимиз Коммунистик партияси Марказий Комитети боғ-роғлар, узумзор ва кўчат ўтқазиш икки ойлигини белгилаб, халқимизга катта кувонч бағишлади. Мен яхши ният қилиб Тошкент шаҳримизда Ўрикзор, Узумзор, Бодомзор, Олмазор, Ёнғоқзор боғлар бўлсин, дейман. Халқимизнинг ризқи-насибасига турфа хўл мева-чевалар мўл бўлсин дейман.

Шу ерда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман: шаҳарга қанча мевали дарахт экиш режалаштирилиб бизларга олдиндан буюртма берилса, ҳаммасини етказиб берамиз. Баъзан тўсатдан палонча минг кўчат керак, деб талаб қилиб қолишади... Шунда биз бир оз қийналиб қоламиз.

Қодир ФОЗИЛХЎЖАЕВ: Яхшидан боғ қолади, деган иборада бир олам ҳикмат бор. Нияти холис, қалби тоза, ғайрати жўшган одам бир туп бўлса-да мевали кўчат ўтқазиб, парваришлаб ҳосилга киритса — бу одамийлик бўлади. Ҳозирги кунда, айни Наврўз пайтида шаҳримиздаги 300 дан зиёд маҳаллаларда баҳорги ишлар қизитиб юборилди. Кўчат ўтқазиш, ҳовли-жойларни тартибга келтириш, ариқ-анҳорларни тозалаш, гулбуталар экиш ишлари авжи паллага кирди. Маҳмуд ака Мирзаев бошчилик қилаётган Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари шаҳар маҳаллаларига турли мевали кўчатлар етказиб беришни яхши мақсад қилиб қўйди.

Мевазор боғ барпо этиш ҳақида гап кетганда, бир ибратли мисол келтирмоқчиман. Киров маҳалласида 20 сотих ерда ахлат, ҳар хил темир-бетон, чиқинди, қурилиш материаллари, тош-шағаллар хирмон бўлиб ётарди. Шу ерни батамом тош-шағаллардан тозалаб, ерга яхши ишлов бердик. Тошкент шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасининг ёрдами билан шу тепа жойга сув чиқардик. Бу ерга 140 туп шафтоли кўчати ўтқазиб, яхши парваришладик. Шафтолилар мўл ҳосилга кирди. Дарахтлар тагига беда сепган эдик, ям-яшил бўлиб кетди.

Қарангки, шаҳримизда илгари 130 та қуш тури бўлган экан. Боғ-роғлар камайиб, ҳаво ифлослангач 80 турдаги қуш қолибди. Шаҳримиз боғ-роғларга айланса, ҳаво тоза, сувларимиз мусаффо бўлса, қушлар учун дов-дарахтларга инуячалар ясаб қўйсак, уларнинг тури яна кўпаяди. Шу ерда яна бир гапни айтиб ўтмоқчиман. Бир пайтлар ишхонам олдидаги майдонда ўсиб турган бир нечта манзарали дарахт ўрнига, мевали кўчат ўтқазиб балога қолгандим. Ҳатто менинг бу хайрли ишим «хато» ҳисобланиб, ўртоқлик судида ҳам муҳокама қилиниб, ҳайфсан берилди... Шу кунга келиб ўша мени қоралаб гапирганлар мевазордаги ширин-шакар неъматлардан баҳраманд бўлиб, энди менга раҳмат демоқдалар. Ў ердан олинаётган чилак-чилак олма-ю шафтолилар ҳақида гапирмай қўя қолай...

Ўлжа ОТАҚУЛОВ: Шу ерда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман. Агар шаҳарда боғлар яратиш режасини аниқ амалга оширилмаса, бирон муваффақиятга эришиб бўлмайди. Масалан, Тошкентдаги 15 та истироҳат боғини ҳақиқий мевазорга айлантириш борасида муҳим режалар тузиб, унинг атрофига мутахассисларни, боғбонларни жалб этиш керак... Менимча, шаҳар истироҳат боғлари Шредер номли илмий текшириш боғдорчилик институти оталиғига топширилса, жуда савобли иш бўларди.

Абдулла РАҲИМЖОНОВ: Мевали боғ — хазина. Халқимиз қадимдан боғ-роғлар, дала ҳовлиларни мевали дов-дарахтлар билан безаб, табиат неъматларидан баҳра олишни севишган. Бир туп бўлса ҳам мевали кўчат ўтқазиб, Маҳмуд ака айтганларидек «Мен ўтқазган дарахт!» деб фахр-ғурур этишган. Эндиликда мана шундай яхши одатудумларимиз нимагадир йўқолиб боряпти.

Турғунлик йилларининг ёмон касофати боғ-роғларимизга ҳам офат келтирди. Афсус-надомат, билан биргина мисолни айтаман. Чилонзорнинг Чўпон ота мавзеида 27 та пионер лагерлари бўларди. Ҳаммаси мевазор боғлар эди. Ана шу боғларнинг деярли барчаси пайҳон қилиниб, турли бинолар қурилди, атрофига эса минг-минг мевасиз дарахтлар экиб юборилди.

Қодир ФОЗИЛХЎЖАЕВ: Шу ўринда менда бир савол туғилади. Беньков номли рассомчилик билим юрти биноси олдидаги катта, бир ярим гектарча келадиган майдонга яқиндагина юзлаб акация дарахтлари ўтқазиб юборилди. Ахир у ерлар яқиндагина серҳосил мевазор боғлар ўрни эди-ку! Буни қандай тушуниш мумкин, ўртоқ Охунжонов?

Ҳикматулла ОХУНЖОНОВ: Лойиҳачилар шундай қилиб режа тузиб беришган. Улар лойиҳада кўрсатган дарахтларни ўтқазишга мажбурмиз.

Эркин ВОҲИДОВ: Ўзи турмушимиздаги кўпгина чалкашликлар ана шу хато «лойиҳачилик»дан келиб чиқади.

Дадахон НУРИЙ: Минг афсуски, бу ерда мана шу лойиҳачилар қароргоҳи — шаҳар Бош меъморчилик идорасининг биронта вакили кўринмаяпти. Онасини кўру, қизига баҳо бер, деган гап бор халқда. Ана ўша лойиҳачилар маҳкамаси жойлашган осмонўпар бинонинг табиатимизга, биздаги шарт-шароитларимизга мос келадиган ўз қиёфаси йўқлиги ҳақида гапирмасак ҳам бўлади... Бино рўпсидаги майдон, Анҳор канали қирғоғига туташган кенг йўлак атрофлари ҳам айнан шимол дов-дарахтлари билан бурканган. Кимдир атайин мана шу ясама манзарани кўчириб келгандай!.. Мана шундан билиб олавериш мумкин, шаҳримизнинг бўлажак қиёфасига масъул бўлган ўртоқ лойиҳачиларнинг «фикрлаш» қобилияти қай даражада эканлигини!.. Ҳа-да, юзга айтганнинг заҳри йўқ деганларидек, гапираверамиз энди: бу ердаги кўпчилик «ижодкорлар» шарқона шаҳарсозлик йўл-йўриқларидан йироқ ёки бу услубни назар-писанд қилмайдиган кишилардан иборат... Шаҳардаги йирик боғ-роғлар устидан «чизиқ» тортиш шимолий совуқ иқлиму, жанубнинг жазирама иссиғининг фарқига бормай бир хил қолипда «андоза» чизаверадиган худди мана шу ердаги устаси фаранг «лойиҳачилар»дан чиққан бўлса ажаб эмас!.. Дарвоқе, Юнусободнинг шарбат тўла мевазор боғлари қулини кўкка совуриш режаси худди мана шу бинода тузилган... Ҳозир давр, талаб ўзгармоқда. Табиатга шафқатсизлик — жиноят деб қаралмоқда! Шундай экан, бу ердаги меъмор ўртоқларга: «Ҳой азаматлар, ахир ҳар жойнинг ҳам ўз тош-тарозиси бор, миллий анъана, табиий шарт-шароит деган тушунчалар мавжуд, ҳаммага бир хил «тўн» бичавериш даври ўтиб кетган, шуни ҳисобга олинглар», дейдиган мард топилармикан! Балки ҳаққоний бу гапни шаҳарга қайтадан Бош меъмор бўлиб сайланган ҳурматли Собир Раҳимович Одилов айтарлар! Ахир Тошкентимизнинг азалий қиёфаси бутунлай «сидирилиб» кетай деб қолди-ку!

Абдулла РАҲИМЖОНОВ: Шу ерда яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Манзарали дарахт йил — 12 ой экилаверади. Мевали дарахт эса маълум муддатда экилади. Шундай экан, кўчат ўтқазиш ойликлари даврида мевали ниҳолларни кўпроқ ўтқазиш ҳақида қонун чиқариб қўйиш керак. Сўнг шаҳардаги ҳар туп мевали дарахт қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган бўлсин!

Дадахон НУРИЙ: Абдулла аканинг гапларида жон бор. Қатор социалистик мамлакатларда мевали дарахтни синдирган ёки қўпорган кимсаларга уни экиш, кўкартиришга кетган сарф-харажат ҳамда неча йил яшаши-ю ва шу йиллар давомида берадиган ҳосили ҳисобида жарима солинади. Бизда ҳам ҳеч кечиктирмай мана шу тадбирни жорий этиш Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари зиммасига қонун йўли билан ҳужжатлаштириб берилиши керак!

Шоира ИБРОҲИМОВА: Бизнинг комитетимиз шаҳарда манзарали дарахтларни берухсат қўпориб ташланса айбдорга жарима солиш ҳуқуқига эга! Негадир мевали дарахт бундан мустасно, улар ҳимоясиз. Шунинг учун ҳам мевали дарахт устида ҳоҳлаган қурувчи-лойиҳачи-ю, ҳатто ободонлаштириш бошқармаси ходими ҳам «болта ўйнатаверишн» мумкин!

Карим РАСУЛОВ: Шунинг учун бизда ҳам ҳар бир мевали дарахтни ҳимоя қилувчи қонун ишлаб чиқилиши зарур!

Шоира ИБРОҲИМОВА: Агар ижроқўм тасдиқлаб берадиган бўлса, бизлар шу қонунни ёзиб чиқарамиз!

Ўлжа ОТАҚУЛОВ: Шаҳардаги мавжуд жуда кўп ариқ-анҳор, каналлар бўйига мевали дарахтлар ўтқазиш ҳақида ҳам ўйлашимиз керак... Ана, улардан оқаётган сув жуда ифлосланиб кетган. Шуларни тозалаш масаласини ҳам кўриб чиқиш лозим.

Ҳикматулла ОХУНЖОНОВ: Бу жуда қийин масала, 250 миллион сўм маблағ керак.

Дадахон НУРИЙ: Бу қайси ҳисобдандан чиққан гап!.. Етти-саккиз йил муқаддам Салор анҳоридан болалар балиқ тутишарди. Кўрганман. Ҳозир унинг сувида биронта тирик мавжудот қолмаган — қора мой аралаш сассиқ сув оқади! Бунга шаҳардаги «Средазкабель», «Экскаватор» сингари ўнлаб корхона раҳбарлари айбдор! Улар ўз қилмишларига яраша жавоб беришсин! Ҳадеб отнинг калласидек маблағни рўкач қилиб, одамларни «кўрқитавермай» ўша корхона бошлиқларининг ёқасидан олиш керак. Сувни булғагани учун қонуний йўл билан жавоб берсин, жарима тўласин! Буни шаҳар ижроқўми қилмаса, ким қилади?.. Тошкентдаги мавжуд ариқ-анҳорларни тозалаш учун 250 миллион сўм маблағ эмас, умумҳашар уюштириш керак!.. Тўғрироғи баҳонадан кўра, тадбиркорлик қилинса яхши бўларди.

Карим РАСУЛОВ: Бугунги давра суҳбатимиз ниҳоятда сермазмун бўлди, халқимиз тилида ва дилида турган муаммоли масалалар очиқчасига айтилди ўртага ташланди. Ҳаммамизнинг ниятимиз бир масалага — халқимизнинг дастурхони тўкин-сочин бўлиши, саховатли табиатимизнинг асл қиёфаси сақланиб қолиши, боғ-роғларнинг гуллаб-яшнашига қаратилди. Бу жуда савоб иш. Ўйлаймизки, ҳар бир тошкентлик фуқаро бу ишда жон куйдириши ва баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиши керак. Шаҳар ижроқўмимиз эса ўзининг навбатдаги мажлисларидан бирида бугунги давра суҳбатида кўтарилган масалаларни кўриб чиқиш, зарур бўлса махсус қарор қабул қилиш имконини топади, деган умиддамиз. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, қадимий ва навқирон Тошкентимиз сарҳадларида боғ-роғлар чаппар уриб гулласин, яшнасин!

РЕДАКЦИЯДАН: Шаҳарда янги боғ ва хиёбонлар яратиш осон иш эмас. Ҳавони, сувни ва тупроғимизни муҳофаза қилиш ишларида ҳам ҳали муаммолар кўп. Бу масалаларнинг ечимини ҳал этиш учун кўпгина чора-тадбирлар белгилаш лозим бўлади. Аминмизки, Тошкентда истиқомат қилувчи ҳар бир киши умумхалқ байрами — Наврўз айёми кунлари бир тупдан «ўз» мевали ниҳолини ўтқазиб, уни парвариш қилади ва ўзидан яхши ном қолдиради. Шу билан бирга, муштарийларимиз Тошкент боғларининг аввалги шуҳратини тиклаш учун нималар қилиш зарурлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб юборадилар, деб умид қиламиз.

Давра суҳбатини Э. ЭРНАЗАРОВ ва Т. РАСУЛЕВлар ёзиб олдилар.

Советлар мамлакатида

⊙ МАРИУПОЛЬ (Донецк области). Ильич номли комбинатда бир йўла иккита прокат цехнни янгилаш графикда белгиланганидан икки кун аввал тугалланди. «1700» стани ва «1150» слябингн ускуналарнинг мамлакатимиздаги кўпгина регионларидаги 30 дан зиёд ёрдамчи пудрат ташкилотининг мутахассислари капитал ремонт қилдилар. Донбассдаги энг катта корхонада ўтказилаётган барча прокат станларнинг янгилаш программаси марнуполлик металлургларга маҳсулот ишлаб чиқаришнн йилига 900 минг тонна кўпайтирши имконнни беради.

⊙ АШХОБОД. Копетдоғ паст-текислиги хўжаликларининг меҳнаткашлари дон учун мақкажўхори экишга киришдилар. Шу қимматбаҳо экинни етиштирнш учун бу ерда асосан мелиоратив ҳолатн яхшиланган ерлар ажратилди. Олимлар деҳқонларга серҳосил «ЧУ-62 ТВ» ва «Краснодар — 5 ТВ» уруғликларининг янги гибридларнни тавсня қилдилар.

⊙ НОВГОРОД. 2 март куни ташкил қилинган, «Гильдия» деб номланган манзарали — амалий санъат халқ усталари жамиятн новгородлик усталарнинг ўтмишдаги ажойиб анъаналарини тиклашга ёрдам беради. Усталар гильдияси марказн қадимий савдо расталари яқинида, Ярослав қўргонидаги Прокопий черковида жойлашди.

⊙ МОСКВА. 2 март куни Москвада «Кичик ва ўрта ёшдаги болалар билан гиёҳвандликка қарши иш олиб борадиган жамоат маслаҳатчиси — мутахассисларнн тайёрлаш» мавзусига бағишланган семинар бошланди. Унда Американнинг «Болалар — ўзгача оламдир» фонди, шунингдек Совет Иттифоқининг турли шаҳарларидан келган ташаббускор группалар иштирок этади.

⊙ ОЛМАОТА. Қуёшни чой-хўрликка таклиф этган шоирдан фарқли равишда Қозоғистон ССР Фанлар академияси астрофизика институти обсерваториясининг ходимлари офтобни ҳазарга чақирдилар. Денгиз сатҳидан 2640 метр баландликда, абадий музликлар зонасида қуёш қозонхонаси қурилди. Жўнгина конструкциялардан ясалиб, шиша «линбос»га ўралган, ичида иссиқлик алмаштиргичлари бўлган қурилма ҳатто совуқ кунларда ҳам сувни Цельсий бўйича 55—60 даражагача иситади. Натижада турар жойни кўмир ёки ўтин ёқмай туриб ҳам иситиш мумкин бўлади.

⊙ ЛЕНИНГРАД. Учинчи минг йилнинг бошларидаги муаллим қандай бўлади! Ленинграддаги А. И. Герцен номли педагогика институти негизида ташкил қилинган ўқув-методик бирлашма шу саволга жавоб топмоқни бўляпти. Бирлашма мамлакатимиздаги шу соҳада мутахассис тайёрловчи етакчи олий ўқув юртлари тажрибаси ва илмий имкониятларини умумлаштиради, чет элларда педагоглар тайёрлаш назарияси ва амалиётини таҳлил қилиш билан шуғулланади. Изланишларнинг пировард мақсади — педагоглар профессионал тайёргарлигининг турли шаклларини синаш, ёшларни замонавий жамият турмушига энг яхши тайёрлай оладиган мактаблар типларини белгилашдан иборат. Ҳозирнинг ўзида-ёқ очилган лицей-мактаблар, муаллифлик мактаблари ва мактаб-лабораторнялар бирлашмасининг «синов майдони» бўлади.

⊙ МИНСК. Белоруссия республика педагогика жамияти ҳузурида ташкил қилинган «Логос» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси олти тилдаги нодир сўзлашгични тайёрлади. Бу китоб ҳар қандай байналмилал жамиятда, масалан, турли мамлакатлардан келган сайёҳлар группасида қўл келиши мумкин. Ҳар бир нбора рўпарасига кўрсаткич қўйилган бўлиб, унинг ёрдамида бошқа тилдардаги шунга ўхшаш нборанн топиш мумкин. Талабни ўрганиб чиққанидан кейин, «Логос» ўз маҳсулотнни чет эллик харидорларга сотишга қарор қилди. Унинг мутахассислари яратган мустақил ўрганиш компьютер программалари ҳам чет элга кўплаб сотилади. Мазкур универсал «Электрон» курслар рус ва инглиз тилларнни мустақил ўрганишга аҳд қилганларга мўлжалланган.

(ТАСС мухбирларининг хабарларидан).

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент оқшоми»нинг навбатдаги сони 11 мартда чиқади.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Телепрограммалар

12 мартдан 18 мартгача

Душанба, 12

● ЎзТВ I

11.30 «Ғилон». Телефильм («Ўзбектелефильм»).
11.40 «Орзуларимиз қанотида». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).

* * *

12.55 Москва. **СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари III съездининг очилиши.**

* * *

17.30 «Урмон кесганда...». Телефильм.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Петя ва Қизил Шапкача». Мультфильм.
18.20 Волейбол бўйича СССР чемпионати. «Автомобилист» (Тошкент) — ТТЎ (Ленинград). 11 мартда ёзиб олинган.
19.00 «Фан — ишлаб чиқаришга».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ғазалхон ёшлигим».
20.30 «Ахборот».
20.50 Қирғизистон ССР халқ артистлари Толибжон Бадинов ва Ойтожи Шобдонова куйлайди.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Кўчат экинг — боғ қилинг».
22.15 Экранимизда биринчи марта. «Тошлоқда ҳам дарахт ўсади». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 1-серия.
23.25 Янгиликлар.
23.30 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.05 Касблар ҳақида ҳикоялар. 8-ўрта ҳунар-техника билим юрти. «Самолётларни ким кузатади» (рус тилида).
19.35 «Гайдуклар». Бадиий фильм (Руминия).
21.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ўтмишсиз келажак йўқ». ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Элет кундалугу».
23.05 «Ошкор қилинмасин». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Омадли аёллар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия — «Наташа».
10.20 Футбол шарҳи.
10.50 «Салом, баҳор». Фильм-концерт (Киев).
11.15 Мамлакат театрлари намойиш этади. Л. Матуковский. «Донолик ўлчови». Я. Купала номли белорус драма театрининг спектакли.
12.50 Юрий Дранга чалади (аккордеон).
12.55 **СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари III съездининг очилиши.** Кўрсатув тугагач —Ф. Шопен асарларини РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Слободяник ижро этади.
15.30 «Болалар рассомлари қаерда бўлади?».
16.15 «Рақс афсунгари». Балет артисти, балетмейстер ва педагог В. Чабукиани ҳақида. Фильм-концерт (Тбилиси).
17.10 Болалар соати.
18.10 «Хайқириқ». Тула «Октава» бирлашмаси ишлаб чиқариш можаролари ҳақида.
18.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 «И. Штраус оламида» (ГДР телевидениеси).
20.05 Футбол шарҳи.
20.35 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Чолиқуши». Беш серияли телевизион бадиий фильм (Туркия). 1-серия.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 «Сўз». Адабий-бадиий видеоканал.
24.00 «ТСН». Телевизион янгиликлар хизмати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
9.15 Илмий-оммабоп фильмлар: «Яна геометрия мамлакатида», «Геометрия кимга керак».
9.35, 10.35 Тарих. 9-синф. Уларнинг номлари унутилиши мумкин эмас.
10.05 Итальян тили.
11.05 СССР Олий Совети сессиясида.
12.05 «Ер — она масканимиз». Фотоконкурс.
12.10 «Кўклам келаяпти, кўклам марҳабо...». Киноконцерт.
12.55 **СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари III съездининг очилиши.** Кўрсатув тугагач — Ф. Шопен асарларини РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Слободяник ижро этади.
15.30 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ёзги гастроллар» («Экран»).
16.50 «Уйин». Бутуниттифоқ «Орленок» ҳарбий-ватанпарварлик ўйини ҳақида ҳужжатли фильм.
17.35 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
17.40 РСФСР халқларининг мусиқий фольклоридан концерт.
18.30 Спидвей. Жаҳон чемпионати. Финал. Швециядан кўрсатилади.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 «Мержан» ансамбли ижросида қримтатарларнинг дилрабо қўшиқлари.
19.45 Ҳужжатли фильмлар.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.50 «Рига Дом жомийси». Ригадан кўрсатилади.
21.20 «Қалб, нафосат, қайғу қўшиқлари...». Ашхободдан кўрсатилади.
22.00 Футбол. СССР чемпионати. «Днепр» — «Торпедо». Днепропетровскдан олиб кўрсатилади.
23.50 МТ хазинасидан. «Биз биргамиз, ойижон». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).

Сешанба, 13

● ЎзТВ I

17.30 «Вешен қайинлари». Телефильм.
17.40 Кўрсатувлар программаси.
17.45 «Қанотсиз ғозча». Мультфильм.
17.55 «Ўзбек тилини ўрганамиз» (такрор.).
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Мисрда дўстона учрашувлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Покланиш йўлидан». КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қиламиз.
20.20 «Нишоналар». Катталар учун мультфильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 Бадиий ҳаваскорлик коллективларининг жумҳурият телевизион кўриги. Фарғона вилояти «Райҳон» ансамбли ижро этади.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Тошлоқда ҳам дарахт ўсади». Бадиий фильм. 2-серия.
23.10 Янгиликлар.
23.15 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.05 Регби. «Звезда» (Тошкент)— СССР терма командаси ўртасида ўртоқлик учрашуви.
19.45 «Алп йигитнинг уйланиши». Бадиий фильм («Грузияфильм»).
20.50 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Қишлоқда аҳволлар қандай?».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.00 КПСС XXVIII ва Тожикистон Компартиясининг XXI съездлари олдидан. «Нури зиндаги». Пролетар райони.

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.00 «Омадли аёллар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия — «Дуся».
10.15 Футбол. СССР чемпионати. «Днепр» — «Торпедо». Днепропетровскдан кўрсатилади.
11.55 Болалар соати.
12.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
13.30 «Бу бўлган... бўлганди...».
13.50 «Ҳайвонот оламида».
14.50 «Типратикан, кучук ва Нико исмли бола». Мультфильм.

* * *

16.35 «Ашар». Телевизион ҳужжатли фильм.
17.00 «Роялда муаллифнинг ўзи чалади». Композитор В. Кобекин. Свердловскдан кўрсатилади.
17.20 «Социализм муаммолари». «Социализм назарияси очерклари» янги тўпламини муҳокама қиламиз».
18.05 «Хор ҳамда биз».
18.50 «Велосипеднинг жиловланиши». Мультфильм.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 «Ёшлар хабарномаси.
20.10 «Шахслар ва вазиятлар». Ҳужжатли фильм премьераси («Қозоқфильм»).
20.30 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Чолиқуши». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 «Святослав Рихтер йилномаси». Телевизион ҳужжатли фильм.
23.15 «Сўнгги манзилгоҳ». Рус муҳожири А. Ширинская-Манштейн тақдири ҳақида.
00.15 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
9.15 Илмий-оммабоп фильмлар: «Нуқта ва қирол қизи ҳақида», «Нуқта қолдирган из». «Кичкинтойлар учун геометрия» туркумидан.
9.35, 10.35 Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 10-синф. Оналик сирлари.
10.05 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35 Биология. 6-синф. Гулдан уруғгача.
11.55 «Билимдонлар учун машқ».
12.40 СССР халқ артисти П. Нечепоренко ҳамда балалайкачилар унисони чалади.
12.55 «Биз биргамиз, ойижон». Бадиий фильм.
14.05, 17.30 Ритмик гимнастика.
14.35 Такрорий телефильмлар сеанси. «Цирк чироқлари порлаганда» (Свердловск киностудияси).
15.50 Т. Шмига учрашувга таклиф этади.
18.00 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Вилоятдан туриб қараганда» (Волгоград).
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 **СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари III съездида.** Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!

Чоршанба, 14

● ЎзТВ I

11.30 Математика. Ўнли касрларни бўлиш ва кўпайтириш.
12.00 «Ер киндиги». Телефильм.
12.30 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. СССРда миллий давлат қурилиши ва унинг ҳозирги даврдаги муаммолари.
13.00 Болалар учун театр. «Качалполвон». Жумҳурият қўғирчоқ театрининг спектакли.

* * *

17.30 «Қалб қувончи». Телефильм.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Бир том остида». Мультфильм.
18.20 «Қизлик уйга раҳмат ёғсин». Одоб ва иффат ҳақида.
18.50 «Улкамизни боғ-роғларга айлантирайлик».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Тилга эътибор...».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Кирди кўклам кўнглима». Адабий-мусиқий композиция.
21.30 Москва. «Время».
22.00 Долзарб мавзу.
22.20 «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари».
23.35 Янгиликлар.
23.40 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.05 «16-кўчма механизациялашган колоннанинг оддий иш кунлари», «Қияризникилар». Телефильмлар.
19.35 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Жанговар машина экипажи». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).
20.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Манфаатларимизга мос» (рус тилида).
ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Бир умр мобайнида». Бадиий фильм (рус тилида).
23.10 Ҳужжатли фильмлар экрани. «Гувоҳлар айбланади».

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Омадли аёллар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия — «Зина».
10.20 «Чашмалар».
10.50 Мультфильм.
11.00 Ёшлар хабарномаси.
11.40 «Дунё бўйлаб». Альманах.
12.40 Шеърият лаҳзалари.
12.45 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Офтобда очилган ғунчалар» (КХДР).
13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
13.30 М. Булгаков. «Мастер ва Маргарита». К. Маркс номли Саратов академик драма театрининг фильм-спектакли.

* * *

16.45 «Мусиқий хазина». В. А. Моцарт асарларидан концерт.
17.35 Болалар соати.
18.35 «Урал оқшоми». Свердловскдан кўрсатилади.
18.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 «Боскичлар».
20.40 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Чолиқуши». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 «Крейцер сонатаси». Бадиий фильм («Мосфильм»). 1 ва 2-серияллар.
00.35 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан чоршанба, 14 март куни МТ II кўрсатувлари соат 17.30 дан бошлаб олиб кўрсатилади.

● МТ II

17.30 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан кўрсатилади.
18.00 «Юқорига қараганда. Композитор Авет Терттерян». Фильм-концерт премьераси (Ереван).
18.30 «Гинтер ва бошқалар».
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 **СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари III съездида.** Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Бегемот ва қуён». Мультфильм.

Пайшанба, 15

● ЎзТВ I

11.30 Зоология. Сут эмизувчилар. Тубан сут эмизувчилар.
12.00 «Тўйдан сўнг». Телефильм.
12.30 Кимё. Электрокимёвий жараёнлар. Коррозия.
13.00 «Гайдуклар». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Эстетика асослари. Санъатда бадиий тимсол.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Аждаҳо ғори». Мультфильм.
18.20 «Ҳўжасизликка барҳам берайлик». Сирдарё вилоятида минерал ўғитларга муносабат ҳақида.
18.50 «Наврўз тараддуди».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Алифбо сабоқлари».
20.20 Манзарали фильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радиосининг «Тановар» ансамбли ижро этади.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Олмазор». Бадиий фильм («Арманфильм»).
23.30 Янгиликлар.
23.35 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.00 Камер куйларидан концерт.
19.25 «Менинг овозим билан». Телефильм.
20.20 Реклама.
20.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Мурғак табассуми».
ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Кулранг сичқон». Бадиий фильм (рус тилида).
23.30 «Бир бор экан, бир йўқ экан, орзу яшаган экан». Фильм-концерт.

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Омадли аёллар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия — «Наташа».
10.15 С. Орехов чалади (гитара).
10.35 «Сўнгги манзилгоҳ». Рус муҳожири А. Ширинская-Манштейн тақдири ҳақида.
11.35 «Зангори стрелка». Мультфильм.
11.55 Болалар соати.
12.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
13.00 «Қўшиққа бахшида умр». РСФСР халқ артисти Александра Стрельченко.
14.10 «Фотомадонналар ва «АнтиСПИД», Телевизион ҳужжатли фильм.

* * *

16.35 «Умрга ҳамроҳ қўшиқ». Минскдан кўрсатилади.
17.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Агар сапёрлар бўлмаганда...». Телевизион ҳужжатли фильм. «Солдат ёдномалари» туркумидан.
17.55 С. Прокофьев. 3-симфония. Москва Давлат филармониясининг Д. Китаенко раҳбарлигидаги академик симфоник оркестри ижро этади.
18.30 «ТелеЭКО» журнали.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 «... 16 ёшгача вз ундан катлар».
20.15 Бутуниттифоқ «Трускавец» курорти Маданият саройи «Трускавчанка» халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти.
20.45 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Чолиқуши». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 Долзарб интервью.
22.10 Телевизион танишув. АҚШдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ж. Ф. Мэтлок (Эстония телевидениеси).
23.20 П. И. Чайковскийнинг барча симфониялари. «Манфред». СССР Иттифоқи Давлат академик симфоник оркестри ижро этади.
00.25 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
9.15 Илмий-оммабоп фильмлар: «Учбурчаклар қандай ишлайди», «Ромблар билан содир бўлган воқеа». «Кичкинтойлар учун геометрия» туркумидан.
9.35, 10.35 Умумий биология. 11-синф. Ҳаёт эстафетаси.
10.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.35 Биология. 8-синф. Ёввойи ҳайвонлар.
12.05 Финляндия телевидениесининг кўрсатуви.

*

13.00 Киноафиша.
14.00 Ритмик гимнастика.
14.45 Такрорий телефильмлар сеанси. «Денгиз заҳматкашлари». 2-серия.
15.50 Адабий театр. «Полярная, 43»

* * *

17.30 Студиямизда Қора-Қораев номли Озарбайжон Давлат камер оркестри.
18.00 «Ватан» туркумидан. «Ленинград — Санта-фе». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ», «Бродкаст видео комьюникейшнз», АҚШ).
18.45 «Парнас сари бир босқич».
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 Информацион программа. Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Зериккан пайтда».

Жума, 16

● ЎзТВ I

11.30 Жамиятшунослик. Совет жамиятини демократиялаш ва сиёсий системада ислоҳ.
12.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Урушни унутма». Телефильм.
12.30 Табиатшунослик. Фойдали қазилмалар ва улардан халқ хўжалигида фойдаланиш.
13.00 «Жанговар машина экипажи». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Рус тили сабоқлари.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Кумушсимон қўнғироқ». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.50 Санъат оламн. «Шарқ китоботи».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Маорифимиз муаммолари.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбек куйларидан концерт.
21.20 ЎзССР Ички ишлар министрлигининг матбуот маркази хабар қилади.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Одобнома».
22.15 Бир асар тарихи. Абдулла Қодирий. «Обид Кетмон».
23.25 Янгиликлар.
23.30 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.05 «Шаҳарлик қишлоқликлар». Телефильм.
20.00 «Диққат, стартга!». Мактабда бадан тарбия муаммолари (рус тилида).
20.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Эътиқод».
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Шашмақом» дурдоналари.
22.40 «Марк Твен қарши». Телевизион бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.00 «Крейцер сонатаси». Бадиий фильм. 1 ва 2-серияллар.
11.35 «Цирким ҳамма севади».
12.10 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
12.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
13.30 МТ хазинасидан. Останкино концерт студиясида ёзувчи Ф. Абрамов билан учрашув.

* * *

16.35 Телевизион ҳужжатли фильм.
17.00 Илмий хабарнома.
17.45 «Мақтанчоқ чумчуқ». Мультфильм.
17.55 «Биродарлар, Рус шоншуҳратини эслайлик». Мусиқий программа.
18.30 «Инзеледа, Инзеледа». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Новосибирск).
18.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 «Ҳокимият — Советларга». Волгоград. Маҳаллий Советлар сайловларгача ва сайловлардан сўнг.
20.00 «Бой берилган галактика». Катталар учун мультфильм.
20.05 «Сизга қўшиқ куйлаб бераман». Вадим Егоров қўшиқлари.
20.35 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Чолиқуши». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 «Бу бўлган... бўлганди...».
22.20 «Нигоҳ».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
9.15 Илмий-оммабоп фильмлар: «Кичкинтойлар учун геометрия». «Геометрик ниҳиқлар», «Улар қаерда яшашсин».
9.35, 10.35 Мусиқа. 7-синф. Ф. Лист.
10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.40 Табиатшунослик. 2-синф. Салом, баҳор!
11.55 Илмий хабарнома.

*

13.00 Хоккей. СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Спартак». 2 ва 3-даврлар.
14.20 «Ҳаётга қайтганлар». Ҳужжатли фильм премьераси. Волоколамскдаги кўзи ожизларнинг меҳнат қобилиятини тикловчи марказий мактаб ҳақида (ВЛКСМ Марказий Комитетининг марказий мактаб ҳақида). Ленинградан кўрсатилади.
18.00 «Юқорига қараганда. Композитор Авет Терттерян». Фильм-концерт премьераси (Ереван).
18.30 «Гинтер ва бошқалар».
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 **СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари III съездида.** Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Бегемот ва қуён». Мультфильм.

Шанба, 17

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот.

*

10.00 «Табиат ва биз». Кинопрограмма.
11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бу ёруғ оламни асранг».
11.50 «Ой бориб, омон қайт». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
13.10 Болалар учун театр. «Сеҳрли сўз». Гулистон мусиқий драма театрининг спектакли.
14.20 «Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?» АвтоВАЗ муаммолари.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Қушлар байрами». Мультфильм.
18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Ҳафтанома».
21.15 «Оқшом эртаклари».
21.30 Москва. «Время».
22.00 **Жумҳурият агросаноат комплекси ходимларининг қурултойи, Қурултой қатнашчилари учун санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти.** В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Мусиқий ахборот.
9.55 Кинопрограмма.
10.55 Фильм-концерт.
11.55 «Она айиқ» операциясининг барбод бўлиши». Бадиий фильм.

* * *

17.35 Кўрсатувлар программаси.
17.40 «Лабиринт».
18.20 Мультфильм.
18.40 «Ёшлар ва қайта қуриш».
19.00 «Новости».
19.20 «Мерос».
20.00 «Ахбор».
20.20 Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Она айиқ» операциясининг барбод бўлиши». Бадиий фильм.

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Онам, дадам ва мен».
9.35 «Уй академияси».
10.05 «Йил фасллари».
11.05 Режиссёр Г. Козинцев фильмлари. «Дон Кихот». Бадиий фильм («Ленфильм»).
12.40 «Партнёр».
13.10 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Запас вариант». Бадиий фильм (Руминия).
14.35 «Иркит ўрдакча». Мультфильм.
14.55 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
15.55 «Голиблар».
16.55 «Ер — она масканимиз». Фотоконкурс.
17.00 «Салом, азизим». РСФСРда хизмат кўрсатган артист М. Суворова куйлайди.
17.25 «Сиёсий суҳбатлар». КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қиламиз.
17.55 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Покистон вилоятлари бўйлаб мусиқий сайил».
18.30 «Халқаро панорама».
19.15 «Қора бўри ҳақида афсона». Премьера. «Денгиз жанги». Мультфильмлар.
19.30 Ти-Би-Эс телевидениеси кечаси (Япония).
21.30 «Время».
22.00 Долзарб интервью.
22.10 «Телескоп».
22.35 Ти-Би-Эс телевидениеси кечасининг давоми.

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика.
8.45 «Оқ бўталоқ». Мультфильм.
9.05 «Экранда 01 хизмати».
9.35 «Қўлдаги оққушлар». Бадиий фильм, субтитр билан («Молдова-филм»).
12.00 Рус тили.
12.30 Матбуот клуби.
13.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали.
16.30 «Совет Россияси» видеоканали.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Ака-ука Люлар». Мультфильм. 1-қисм.

Якшанба, 18

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот.

*

10.00 «Бойсунда қор эриганда». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
10.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Компьютер сабоқлари».
10.55 «Хотинимнинг эри». Муқимий номли Ўзбек Давлат мусиқий драма ва комедия театрининг спектакли.
12.45 «Ҳужжатли экран». Кинокўрсатув.
13.30 Амалий давра суҳбати. «Иш» билан банд қилиш программаси амалда.
14.30 «Алифбо сабоқлари» (такрор.).
15.00 «Дўстлик» программаси. «Замандас».

Тижорат видеоканали

16.00 Андижон вилояти Баликчи район «Тарона» ансамбли ижро этади.
16.45 Реклама.

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.40 «Инсон ва хизмат кўрсатиш тармоқлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа.
20.25 Реклама.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Фильмотекамиз жавонларидан».
21.30 Москва. «7 кун».
22.30 «Дилрабо шеърият кечаси». Туроб Тўла.
23.50 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

10.00 «Ахбор».
10.25 Ҳужжатли фильм.
10.40 «Дониш» студияси.
11.15 Фильм-концерт.
12.35 «Мен севган масхарабоз». Бадиий фильм (рус тилида).

* * *

17.30 Кўрсатувлар программаси.
17.35 Мультфильм.
18.00 «Мўъжиза-алифбо».
18.30 «Телетомошабин ҳамроҳи».
19.00 «Забони мо — жаҳони мо».
20.00 «Ҳафта». Информацион программа.
20.30 «Тарона» ансамбли ижро этади.
21.30 Москва. «7 кун».
22.30 «Мен севган масхарабоз». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

8.30 Спорт ҳамма учун.
8.45 Ритмик гимнастика.
9.15 «Спортлото» тиражи.
9.30 «Эрта саҳарлаб».
10.30 «Ватан хизматида».
11.30 «Блиц» тонгги дам олиш программаси.
12.00 М. Вахутинский чалади (сибизға).
12.05 «Здоровье».
12.50 Эртак ва саргузаштлар оламида. «Қорқиз». Бадиий фильм («Ленфильм»).
14.30 «Педагогика ҳамма учун».
16.00 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.
17.15 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. Кўргазмали чиқишлар. Канададан кўрсатилади.

Якшанба кинозали

19.30 «Бу яна нимаси?..». Мультфильм.
20.05 «Аткинс». Бадиий фильм («ДЕФА», ГДР, «Бухарест», Руминия).
21.30 «7 кун».
22.30 Абадият ҳақида ўйлар.
22.45 Мирей Матье куйлайди (Франция).

● МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг!
8.45 «Тулкилар товуқлар билан қандай дўстлашишди». Мультфильм.
9.05 Камер концерти. Киевдан кўрсатилади.
9.25 «Ягуар». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»).
10.50 «Жигули аср охирида». Экология ҳақида ҳужжатли фильм. «Она-замин ташвишида» туркумидан.
11.05 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
11.10 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Э. Грач концерти (скрипка).
11.55 Миллий баскетбол ассоциацияси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати.
12.55 «Биз яшаётган олам». Режиссёр П. Коган фильмлари: «Махфий буюртма», «Ёз яқин».
13.40 Болалар учун фильм. «Кўҳна чордоқ сири» (Югославия, Чехословакия).
15.00 «Сэвет Россияси» видеоканали.
17.30 «Планета». Халқаро программа.
18.30 Мусиқий видеоканал.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Ака-ука Люлар». Мультфильм. 2-қисм.
20.45 «Агар сиз...».
21.30 «7 кун» (сурдо таржимаси билан).
22.30 «Бу ажойиб камолот ёшн». Бадиий фильм (Болгария).
23.40 Сувга сакраш. СССР ва АҚШ терма командаларининг матчи. «Олимпийский» спорт комплекси сув ҳавзасидан кўрсатилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. 04127.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.